Навоий қудрати

# НУРЛИ САҲИФАЛАРДА САХОВАТЛИ

***Гўзал пойтахтимизнинг гавжум кўчалари бўйлаб сайр қилсангиз, ҳар қадамда ғайратли ва қўли гул қурувчиларнинг беҳад юксак маҳорати маҳсуллари бўлмиш ниҳоятда чиройли бинолар, муҳташам саройлар, маҳобатли кўприклар қад ростлаётганлигининг гувоҳи бўласиз.***

Иморат солиш, бино кўтариш ҳар бир халқ учун эзгу ва хайрли иш ҳисобланади. Кишилар бола-чақам яйрасин, меҳмонларим ёзилиб дам олсинлар, яхши тўйлар ўтказай, деган орзу-ҳаваслар, завқли ниятлар оғушида уй қурадилар. Бинобарин қурилиш, бинокорлик, меъморлик ҳар бир давлатда, ҳар бир даврда энг ардоқли ва юксак обрўли жабҳалардан ҳисобланган. Қадимда шоҳу султонлар хазинанинг тенг ярмини қурилишларга, ободонлаштириш ишларига сарф этганлар.

Турмушимизда нимаики эзгу иш бўлса, барининг сифатини келтириш ва қимматини белгилаш учун албатта Ҳазрат Алишер Навоийга мурожаат этамиз. Зеро, Амир Алишер бизлар учун комилликнинг ёрқин бир намунасидирки, ҳар ишда унга эргашишга, ҳар юмуш юзасидан фикрини билишга одатланиб қолганмиз. Эл-юрт манфаатини кўзлаш, халқ эҳтиёжини қондириш хайрли ободончилик юмушлари тўғрисидаги Ҳазрат фикрларини билиш ҳамда бу борада ул зотнинг қўйган қадамларини ўрганиш ҳам жоиздирки, бу ҳаммамиз учун улкан сабоқ вазифасини ўтайди. Султон Ҳусайн Бойқаронинг яқин кишиси ва Хуросон давлатининг кўзга кўринган арбоби сифатида Алишер Навоий ўзининг улкан кучи ва имкониятини эл тинчлиги, юрт ободончилиги, халқ манфаатини кўзлаб сарф этди. Муаррих Мирхонд ўзининг «Равзат ус-сафо» асарида ёзишича, Навоий «Барча турку тожик осойишталиги, яқину йироқлиги, саранжомлигининг муҳим ишларини ўзининг савобнома ихтиёриға» олган. Бундан тушуниладики, улуғ Навоий халқнинг оғирини енгил, узоғини яқин, мушкулини осон қилиш ниятида кўп хайрли тадбирларни амалга оширди. Хусусан, тарихчининг ёзишича, у Ҳирот шаҳрида кўплаб шифохоналар, ҳаммом, работ, ҳовуз, кўприк, сув иншоотларини барпо эттирган. Унинг бу хайрли тадбирлари туфайли Ҳирот аҳлининг турмушида анча енгиллик зоҳир бўлган.

Яна бир машҳур тарихчи, мавлоно Хондамир «Хулосат ул-ахбор» асарида ёзишича, Ҳиротдаги Жомеъ масжидининг таъмирланишида Навоий катта жонбозлик кўрсатган. Хондамир ёзади: «Хайру саховатли бинокор Амир Алишер иморатни тиклаш хусусида кўп ғамхўрлиги бўлганидан ҳар куни ўша шарофатли манзилга ташриф буюрар, кўп кунлар этагини белга қистириб, ёлланган ишчилар каби усталарга ғишт олиб берарди ҳамда бошқа юмушларни қиларди, тез-тез ўша ердаги меъморлар, усталар, ишчиларга қимматбаҳо саруполар кийдирар ва уларни кўп сийлар ва бошқа инъомлар билан хушдилу хурсанд қиларди».

Кўриниб турибдики, Навоий ҳам ўзининг улкан хайрли ишлари, халқ манфаати йўлидаги хизматлари туфайли «бинокор» унвонига ноил бўлган, ўз даврининг таниқли тарихчилари томонидан нурли саҳифаларда «хайру саховатли бинокор» дея зикр этилган ҳамда эъзоз қилинган.

Ўз ғояларига содиқ ва эътиқодида ҳамиша муқим бўлган Алишер Навоий нур ва маъни булоқларига йўғрилган бетакрор мисраларида ҳам шоҳу султонларни ўзи каби халқ манфаатини кўзлашга, юртнинг оғирини енгиллатишга, мамлакат ободонлигини юксак даражага кўтаришга даъват этади. Бу борада унинг ўзи ибрат бўлиб, юксак бинокорлик ва халқпарварлик намуналарини кўрсатади. Ҳазрат «Маҳбуб ул-қулуб» асарида подшоҳнинг сифатларини баён эта туриб, одил ва бинокор шоҳнинг халқ учун худонинг раҳмати эканлигини таъкидлайди. Навоий фикрича, элнинг эҳтиёжларини қондирган, юртини обод қилган, камбағалпарвар бўлган шоҳгина узоқ даврон суради. Бундай подшоҳ инояти остида халқ фаровон яшайди, бозорлар қайнайди, иқтисод юксалади.

Шоир бир қасидасида шундай ёзади:

***Бўлса шоҳ беоқибат, шаҳру***
***элат топғай зарар,***
***Подшоҳлик шавкатин***
***занжири зийнат этти паст.***
***Подшоҳлик борлиғи***
***бошдин-оёқ бош оғриғи.***
***Пўк эрур ноғора, гарчи***
***ғулуғли бош оғритур.***

Яъни Навоий дейдики, эл тинчлиги ва юрт ободонлиги учун подшоҳ масъулдир, агар у шунга қайғурмас экан, унинг шоҳлиги халқ учун «бош оғриғи»дир.

Ушбу айни ҳақиқат бўлган мисралардан бағоят мутаассир бўлган ҳолда дилимизга келган дастлабки нарса маълумдир, у ҳам бўлса — шукрона. Минг шукрки, биз улуғ даврда, мустақиллик қуёши остида яшаяпмиз, юртимиз озодлик нуридан баҳраманд.

*Хайрулло НУРИДДИНОВ.*

Ёш истеъдодлар

# «ТАҚЛИД ҚИЛИШДАН ЙИРОҚМАН»



***Мустақиллик шабадалари ўлкамизга гўё янги бир қўшиқ янглиғ кириб келди. Акс-садоси эса, мудраб ётган далаларни, қиру адирни, тоғу тошни ларзага келтириб, борлиққа янгитдан ҳаёт бағишлади. Бу ҳолат теварак-атрофимиздаги барча-барча нарсаларга ўзгача қарашга даъват этди.***

Айни чоғда қўшиқчилик санъатига ҳам янгича руҳ, янгича қарашлар, янгича фикрлашларини эшитдик.

Яқинда ана шундай санъат оламидан ўз ўрнини қидираётган, ҳамон тинмай изланаётган янги овоз соҳибаси БОНУ билан учрашиб унинг дил сўзлари билан ўртоқлашдик.

— Дунё яралибдики, — дейди Бону мулоҳаза юритиб, — инсон боласи орзу-ҳавас билан яшайди. Унга эришиш йўлида эса, ҳаётини ҳам аямайди. Негаки, инсон орзуси билан тирик, ўша билан нафас олади. Миллионлаб одамлар қаторида менинг ҳам ўз орзу-умидим, юлдузим бор. Бу ҳам бўлса, кишилар қалбига бир илиқлик, шодлик, асосийси, муҳаббат олиб кириш. Тўғри, бунинг учун катта юрак керак. Менда эса, фақат овоз бор, кейин ана шу овозни юзага чиқариш учун интилиш бор, холос.

**— Бону, янги овоз деганда нимани тушунасиз?**

— Оддий мисол келтиришим мумкин.Бирор буюмга қўл теккизмасингизданоқ ундан қандай овоз чиқишини олдиндан биласиз, хис қиласиз. Тўғрими? Ана шу нарса, янги овоз эмас! Янги овоз янги пайдо бўлган булоқ кўзига ўхшайди. У қайнайверади, қайнайверади. Қайнаган сари тупроққа, қолаверса, теварак-атрофга янгитдан ҳаёт бағишлайверади. Яна, у янги овозда хотира, соғинч, шодлик, муҳаббат, висол, умид, ишонч суратлари ўзгача қиёфада, ўзгача руҳда акс этиб туради. Бошқаларни билмадим-у, мен янги овоз деганда шуни тушунаман. Инсонларни чарчатадиган, зериктирадиган, сийқаси чиққан қўшиқларни эмас, балки қалбларга янгича руҳ, ҳаловат, завқ-шавқ олиб кирадиган қўшиқларнигина куйлаш керак. Янаям аниқроғи, улар кутаётган, кутганда ҳам зориқиб кутаётган қўшиқларни куйлашимиз керак. Айниқса, бугун...

**— Сиз янги овозга эришиш йўлида қилаётган ижодий изланишларингиздан қониқиш ҳосил қилаяпсизми?**

— «Хушрўйим», «Сукунат», «Йўл», «Шунчаликми севги», «Билмадим» каби қўшиқларим учун ижодий баҳолар олаётган бўлсам-да (албатта мухлисларим, қўшиқ шинавандаларим), аммо мен ҳали қониқиш ҳосил қилганим йўқ. Ҳамон янги оҳанг, янги куй, янги сўзлар излаяпман. Ёшликдан бирга ўсган дугонам бор. Исми Шаҳноза, фамилияси Саидқосимова. У янгича фикрлайдиган, қўшиқчилик санъатига янгича ёндошадиган қаламкаш. Асосийси, у ўзи учун эмас, мен учун ашъорлар битади. Кўнглимдаги гапни топиб ёзади. Айрим сўзлар, маънолар устида узоқ вақтларгача баҳслашиб чиқамиз. Ҳеч кимнинг қўшиғига ўхшамайдиган, эслатмайдиган қўшиқ яратиш, минглаб қўшиқчилар ичидан алоҳида овози, сози билан ажралиб чиқиш осон иш эмасда. Мусиқаларни менга кўпинча Дони Илёсов, Руслан Шариповлар басталашади. Вокалист Вячеслав Иванов, рақс бўйича Галина менга кўп ёрдам беришади.

**— Қўшиқчилик соҳасида қайси юлдузларга тақлид қиласиз?**

— Тақлид қилиш менимча, ҳар бир санъат оламига кириб келаётган санъаткорга одатий ҳол бўлса-да, мен айнан шу, тақлидчиликка жудаям эҳтиёткорлик билан ёндошаман. Бошқа йўлдан боришга ҳаракат қилаяпман. Қолипга тушиб қолишдан қўрқаман. Бошқалар қатори ўз овозим, ўз мусиқамга эга бўлишга ҳаракат қилаяпман. Баъзан қўшиқларимни замонавий поп мусиқалари билан ижро этиладиган хонандалар Жанет Жексон, Мариан Керриникига ўхшатишади. Тўғриси, шундай пайтларда ўз-ўзимдан хафа бўлиб кетаман. Ахир қўшиқларим ҳеч кимникига ўхшаб қолмаслиги учун интилсам-у яна... Менга эса кўпроқ Селин Лион, Тони Брекстон, Роксет, Майкл Болтон, Хюсьтон каби юлдузларнинг қўшиқлари ёқади. Севиб тинглайман. Илҳом оламан.

**— Мусиқаларингизда, оҳангларингизда баъзан испанларга хос шўхлик, ёқимтойлик бор.**

— Бир марта Германиянинг Франкфурт Майн шаҳрида, кейин Испанияда бўлган эдик. У ерда ўтказилган «Янги овоз» кўрик-танлови мен учун янгилик бўлди. Сизнинг тилингизни, сўзларингизни умуман тушунмайдиганлар даврасида қўшиқ куйлаш... жудаям қизиқ бўлар экан. Мен куйлаётган қўшиқларимга тушунишмаса ҳам куйига, оҳангига мос йўрғалаётганларини кўриб, ёқа ушлаб қолдим. Улар гўё ўзларининг бир қадимий қўшиқларини тинглаётгандек эдилар. Балки мен ҳам уларнинг қалбига ўзгача ҳарорат, ўзгача идрок, ўзгача нафас олиб киргандирман. Тўғрисини айтсам, қўшиқчи деганлари хорижга тез-тез чиқиб туриши керак экан. Масъулияти ортади, ўз устида кўпроқ изланадиган бўлади. Ахир кечаги олқишлар билан маст бўлиб юриш мумкин эмас. Ҳар куни, ҳар соатда, ҳар дақиқада тингловчига янги қўшиқлар яратиш устида изланиш керак.

**— Ҳозир қандай янги қўшиқлар тайёрлаяпсиз?**

— «Сен келма» (Иброҳим Жиянов сўзи, Руслан Шарипов мусиқаси), «Булут», «Наҳор гуллари» (Шаҳноза Саидқосимова сўзи, Дони Илёсов мусиқаси) ва бошқа яна бир неча қўшиқлар яратаяпмиз. Айримлари ойнаи жаҳон орқали мухлисларимга етиб борган бўлса керак. Бугунги кунда янги қўшиқларим тўплами, альбом устида иш бораяпти. Бу альбом тайёр бўлгач яна хорижга сафар уюштирамиз.Айни чоғда Янги — 1997 йил учун ҳам совға бўлади.

*Суҳбатдош*
*Латиф ЗАМОН.*




- *Учрашувда ўқилган шеър*
- *Қўшиқ сеҳри*
- *Қабуллар такомиллашмоқда*
- *Йигирма аср муқаддам*

Ёднома

# ҲАМИША ҚАЛБИМИЗДА...

***Истеъдодли шоир, ёзувчи, драматург, олим Юсуф Шомансур ҳаёт бўлганида 60 ёшга тўларди...***

Юсуф Аллоҳ унга берган 42 йиллик умрида катта ишлар қила олди: ўзбек адабиётида из қолдирди, эл оғзига тушди, ўнлаб шеърий тўпламлар тузди. Асарлари хорижий тилларга таржима қилинди, дарсликларга кирди, куй-қўшиқ бўлиб янграб келмоқда. Устози, атоқли шоир Мақсуд Шайхзода ижодини ўрганди. «Шайхзода — бунёдкор шоир» мавзусида диссертация ёқлаб, филология фанлари номзоди бўлди. Ҳамон севиб ўқилаётган «Қора марварид» романини ёзди...

Юсуф Шомансур шаҳримиздаги 11-мактабда 10 йил ўқиди. Ушбу мактабга 1990 йилда Юсуф Шомансур номи берилди, ёдгорлик лавҳаси ўрнатилди. 10-синфда Юсуф ўтирган партага ҳам ёзуви битилди. Чунки у 10-синфдаёқ биринчи шеърлар тўпламини тузишга киришганди.

Юсуфнинг адабиётга, шеъриятга қизиқишида унинг илк устозлари — 11-мактабнинг адабиёт муаллимлари Фахриддин ака Нуриддинов, Раҳимжон ака Усмоновларнинг ҳиссалари бениҳоя катта. Улар бўлажак шоирга тўғри йўл кўрсата олдилар, унинг ижодини авайлаб парвариш қилдилар ва адабиётнинг катта йўлига чиқишига фотиҳа бердилар.

Юсуф Шомансур таниқли шоир Ғайратийнинг адабиёт тўгарагига қатнашди. Ғайратий домланинг ёшлардаги иқтидорни, қобилиятни оча билиш, унга сайқал бера олиш маҳорати адабиёт оламига маълум. Юсуф бу ердан адабиётимиз бўстонига учирма бўлди. Унинг хушовоз булбулига айланди...

Яқинда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида Юсуф Шомансур таваллудининг 60 йиллигига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси ва педагогика институти жамоаси биргаликда ташкил қилди. Мароқли анжуманда ёзувчилардан Йўлдош Сулаймон, Сафар Барноев, Рауф Толиблар сўзга чиқиб Юсуф Шомансурнинг ҳаёт йўли, ижоди ҳақида гапиришди, хотиралари билан ўртоқлашишди.

Бугун биринчи марта эълон қилинаётган «Азиз синфдошларимга» шеърини раҳматли Юсуфнинг ўзи синфдошлар учрашувида — 1975 йил 22 октябрда ўқиб берган эди. 11-мактаб муаллимлар жамоаси ўқувчиларни ўзаро ҳурмат, мактабни битиргандан сўнг ҳам бир-бирларидан хабар олиб туриш, ёшликда боғланган дўстлик ипларини эъзозлашга, қаттиқроқ боғлашга ўргатар эди. Биз синфдошлар ҳаммамиз ҳар 5 йилда мактабда учрашар эдик. Шоиримизнинг янги шеърларини мириқиб эшитардик... Жисман ўзи йўқ Юсуф Шомансур қалбимизда ҳамиша тирик яшайди.

*Мирфозил МИРЗААҲМЕДОВ,*
*профессор.*

Юсуф ШОМАНСУР

## АЗИЗ СИНФДОШЛАРИМГА

***Кеча эмасмидик ҳовлиққан ўсмир,***
***Танимизга сиғмас эди жон.***

***Йигирма йил ўтди, тез, ола-тасир,***
***Сочларга оқ тушдийкин қачон?***

***Ғалаёнли ҳаёт бағрига кириб***
***Ҳар қайсимиз топдик насиба***

***Тош бўлсак ҳам кетдик оташда эриб,***
***Ном чиқардик минг хил касбда.***

***Бола-чақа, ола хуржун бўйинда***
***Рўзғор дея ўтди умримиз.***

***Қирчинидан Тоҳир ахир қийилди,***
***Бир-бировга ортсин меҳримиз.***

***Шоирингиз эса шошди жуда ҳам,***
***Йигирмада кўрдим-у фарзанд.***

***Қирққа кирмай жуфтсиз қолдим, бошда ғам,***
***Бўлолмадим толеи баланд.***

***Аммо янги умр қилган Сахийдай***
***Бир дилбарга бўлдим ошифта.***

***Бу тақдирни раво кўрмайман ҳай-ҳай,***
***Қовушганча қолинг бир жуфтда.***

***Болаликнинг меҳри бўлакча экан,***
***Соғинсам гар сизни соғиндим.***

***Катта обрўй топдим, топдим уй, макон,***
***Лекин келиб Сизга сиғиндим.***

***Оҳ, дўстларим, азиз синфдошларим,***
***Йигирма йил ўтган шул сана, —***

***Бизни якдилликка ҳушёр бошласин,***
***Гумроҳликда қолмайлик яна.***

***Энди мусибату айрилиқ кўрмай,***
***Довонлардан ошиб ўтайлик,***

***Чолимиз чол каби, кампир кампирдай***
***Орзу-ниятларга етайлик!***

***Болалик шўхлиги, оҳ қайтиб келмас,***
***Ўн биринчи — азиз шу мактаб —***

***Бир ғишти кўчмасдан омон турса бас,***
***Ёшлигимиз кетмагай тугаб.***

***Қўштут, Баланд кўприк, Ачавотлар ҳам***
***Кўрсин бизни қариган ҳолда,***

***Болаликнинг ёди билан беором,***
***Биз борайлик олға ва олға!***

Адолат тарозуси

# СИНОВЛАР ҚАНДАЙ ЎТДИ?

***Ёшларни олий ўқув юртларига тест синовлари орқали қабул қилиш ишлари тобора такомиллашиб бормоқда. Хусусан абитуриентлар учун ўзида тест саволларини жамлаган «Ахборотнома» журналларининг нашр этилиши ва тарқатилиши бу йилги янгилик бўлди. Шулардан келиб чиққан натижалар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори Муҳсин Муҳиддинов билан суҳбатлашдик.***

**— Бу йилги тест синовларининг аввалгиларидан фарқи нималардан иборат?**

— Ўтган йилги тест синовларига қараганда бу йил олий ўқув юртларига қабул тадбирлари бирмунча бошқача ўтди. Биринчидан, саволлар вариантини компьютер тузган. Улар бу йил хилма-хил бўлди, яъни ҳар бир аудиторияда турлича вариантлар ишлади. Бу ҳол кўчирмачиликка чек қўяди. Иккинчидан, жавоблар варақасини ҳам компьютер ўқиди ва у биронта ҳам хатога йўл қўймади. Ана шу янгиликлар тест синовлари жараёнида адолатнинг устивор бўлишини таъминлади. Шулар сабабли бўлса керак, марказимизга талабаларнинг ота-оналари номидан миннатдорчилик сўзлари битилган мактублар келди. Уларни ўқиб синовлар жараёнида ҳақиқат асосий мезон бўлгани, талабаликка фақат билимли ёшлар қабул қилинганига ишонасиз.

**— Бу йилги янгилик — «Ахборотнома»лар чиқарилиши қандайдир ўзгариш ясадими?**

— Албатта. Асосий ўзгариш ўтиш балининг ўтган йилга нисбатан юқори бўлганини айтишим керак. Бу эса абитуриентларнинг «Ахборотнома» асосида пухта тайёргарлик кўришгани, рақобат кучли бўлганини англатади. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, «Ахборотнома»ларни тузишда мактаб ўқув дастуридан ташқари чиқилмади. Шунинг учун бўлса керак, ўтган йилга нисбатан олий ўқув юртларига ҳужжат топширганлар сони 80 мингдан 100 мингга кўпайди. Ўрта махсус ўқув юртларида ҳам бу кўрсаткич 100 мингга етди, яъни аввалги йилга нисбатан 30 мингта кўп ҳужжат топширишди. Ўтган йили талабаликка 22 минг одам қабул қилинган бўлса, бу йил 28 минг абитуриент синовлардан муваффақиятли ўтди. Бу кўрсаткич грантлар ва пулли-контракт асосида қабул қилиш ҳисобига кўпайди. Марказимиз томонидан тест синовлари натижаларини умумлаштирувчи таҳлилий материаллар журналини чиқардик, журнал маълумотларининг кўрсатишича бу йил иқтисод, ҳуқуқшунослик, молия, тил, телекоммуникация соҳаларини эгаллашга иштиёқ кучли бўлди. Дарвоқе, педагогика мутахассислигига ҳам талабгорлар бирмунча кўпайганини сездик. Бу эса ўқитувчининг обрўси ошиб бораётганини англатади.

**— Бу йил фойдаланилган «Ахборотнома»лар келаси йил учун энди эскирдими?**

— Йўқ асло. «Ахборотнома» журналининг 1—15-сонлари, яъни 1996 йилнинг март-июнь ойларида нашр этилган тест саволлари 1997 йил олий ўқув юртларига кириш имтиҳонлари жамғарма банкига киритилади ва улардан фойдаланилади. Журналнинг кейинги сонларида янги тест саволларини нашр этиш давом эттирилади. Демак, саволлар варианти янада кўпаяди. Ташкилотлар, муассаса ва корхоналар, шунингдек, жисмоний шахслар «Ахборотнома» журналига нақд пул тўлаш ёки пул ўтказиш йўли билан Ўзбекистон Республикаси матбуот ташкилотларининг шохобчалари орқали 1997 йил учун обуна бўлишлари ёки Давлат тест марказидан пул ўтказиш йўли билан сотиб олишлари мумкин. Марказимиздан тўғридан-тўғри сотиб олиш бирмунча арзонга тушади.

Маълумки, турли олий ўқув юртларида ўтиш бали турлича. Демак, ўтиш бали юқори бўлган институтга киролмаган абитуриент ўтиш бали нисбатан пастроқ бўлган институт талабаси бўлиши мумкин эди. Аммо бу пайтда танлаш учун вақт ўтган бўлади. Шуни ҳисобга олиб, биз тест синовлари олдидан кичик синовлар ўтказмоқчимиз. Бу ҳол абитуриентнинг билим даражасини аниқлаб беради ва у ўз имкониятига кўра кирмоқчи бўлган мутахассислигини ўзгартириши мумкин.

*Абдумалик*
*АБДУРАҲМОНОВ ёзиб олди.*

Миср янгиликлари

## САРМОЯДОРЛАРГА ЭЪТИБОР

***Мисрда чет элликларнинг мамлакатда яшаш муддатини белгилайдиган лойиҳага ўзгартиришлар киритилди.***

Миср ички ишлар вазири, генерал Ҳасан Ал-Альфий чет эллик фуқароларнинг мамлакатда яшаш муддатини белгилайдиган лойиҳага ўзгартириш киритиш ҳақида фармойиш чиқарди. Энди чет эллик сармоядорларга бу кўҳна юртда 5 йил яшашга рухсат этилади. Бунинг учун улар Сармоялар Бош бошқармасидан чиндан ҳам Миср иқтисодига ўз сармояларини киритганликлари ҳақида ҳужжат тақдим этсалар бас.

Фармойишда мисрлик аёлларга уйланган чет эл фуқароларига бу ерда 3 йил муддат яшашга ижозат этилади. Улар вафот этганлари тақдирда уларнинг сағир болалари бу ҳуқуқдан фойдаланишлари мумкин. Лекин уларниннг балоғат ёшига етган фарзандлари мамлакатда яшашлари учун улар бирор ишга жойлашган, ўз ризқларини ўзлари топаётган бўлишлари керак. Ана шундагина уларга махсус рухсат берилади.

## ЭНГ ЮҚОРИ ҲОСИЛДОРЛИК

***Миср шакарқамиш етиштириш бўйича энг юқори кўрсаткичга эришди.***

Миср Бош вазирининг ўринбосари, қишлоқ хўжалиги ва янги ерларни ўзлаштириш вазири Юсуф Вали Мисрда шакар ишлаб чиқариш кўрсаткичи 650 минг тоннадан 1 миллион тоннага етганини маълум қилар экан, мамлакатда шакарқамиш ҳосилдорлиги гектарига 100 тоннадан ошгани ва Миср бу стратегик қишлоқ хўжалик маҳсулоти ҳосилдорлиги бўйича дунёда биринчи ўринга чиққанини зўр мамнуният билан таъкидлади.

Вазирнинг айтишича, мамлакатда қанд лавлаги ҳосилдорлиги гектарига 45—50 тоннага етгани боис ишлаб чиқаришни кенгайтириш режасида қанд лавлаги асосида ишлайдиган янги шакар заводларини бунёд этиш ва қанд лавлагидан шакар ишлаб чиқариш ҳажмини 625 минг тоннага, мамлакат бўйича жаъми шакар ишлаб чиқаришни эса 1,6 миллион тоннага етказиш, шу тариқа шакарга бўлган ички эҳтиёжни тўла қондириш назарда тутилган.

## ГАММА НУРИ ВА МЕВА-САБЗАВОТ ТУРИ

***Миср атом энергияси Бош бошқармаси гамма нури ёрдамида касалликларга чидамли сара мева-сабзавот навлари етиштиришга эришди.***

Гамма нури ёрдамида мева ва сабзавотлар навини тубдан яхшилаш мумкин бўлар экан. Миср атом энергияси Бош бошқармасининг биотехнология бўлимининг бошлиғи, фан доктори, устоз Маҳмуд Тавфиқнинг хабар беришича, Бошқарма Австрия атом энергияси халқаро агентлиги билан ҳамкорликда гамма нури ёрдамида бодринг ва картошка ўстириш агротехникасини тубдан ўзгартиришга, уларнинг янги навларини яратишга муваффақ бўлган.

Бу янги навлар ер шўри ва бошқа офатларга ўта чидамли бўлиб чиққан. Шу боис уларни янги ўзлаштирилган, ер ости сувлари билан суғориладиган ерларга экиб, турли вирус ва касалликлардан холи дурустгина маҳсулот олиш мумкин бўлади. Бунда зарарли химикатлар ишлатишга ҳам ҳожат қолмайди. Энг муҳими янги нав маҳсулотлари экспорт қилиш учун яроқлилиги билан қимматлидир. Айни чоғда бу нур ёрдамида мева ва сабзавотларнинг аслий таркибини ўзгартириш ва уларнинг ҳосилдорлигини кескин кўтариш устида тадқиқотлар олиб борилаяпти.

## ЯНА КЛЕОПАТРА ҲАҚИДА

***Орадан 2000 йил ўтгач, Миср маликаси Клеопатра ва у ҳукмронлик қилган давр бот-бот тилга олина бошланди.***

Гап шундаки, орадан 2000 йил ўтишига қарамай, Искандариянинг шарқий бўғоз ҳудудида Птолемей қироллигига қарашли шаҳарча қолдиқлари топилди.

Олиб борилган узлуксиз изланишлар натижасида бир гуруҳ археологлар Птолемей қироллигининг сўнгги маликаси Клеопатра ҳукмронлик қилган шаҳарча қолдиқларига дуч келишди. Бу археологик топилмалар ичида биринчи марта шаҳарнинг топографик харитаси чиқди. Топилмалар орасида ўша давр ибодатхоналари, уй-рўзғор буюмлари, улкан гранит тош бўлаклари ҳамда Абул Ҳавл ҳайкаллари ҳам бор эди. Археологлар бу ердан Клеопатранинг ҳамда буюк Искандарнинг мақбараларини, дунёнинг етти мўъжизасидан бири ҳисобланмиш Искандария маёғи қолдиқларини ҳам топишга муваффақ бўлишди.



*Табиат жониворлар билан ободлиги барчага аён. От — мурод, дейди халқимиз. Унинг зийраклиги, одамга дўстлиги ҳақида талай афсоналар бор. Қушлар олами ҳам ранг-баранг. Уларнинг шундай турлари борки фақат бизнинг юртимизда яшайди. Кўриб турганингиз оппоқ бу қушлар ўз чиройи билан чинакамига мафтункордир.*



Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

